

Ерга оид муносабатлардаги ҳуқуқий асосларнинг мамлакат ривожидаги аҳамияти



Оддий кўз билан қараганда ер бу - тупроқ, қум, тошдан иборат одамлар ҳар куни кўрадиган бир аҳамиятсиз нарсадек кўринади.

Кенгрок қараганда ер бу - географик макон - майдон, дала, тоғ, адир, яйлов, чўл, саҳролардан иборат ҳудуд бўлиб, тамаддун - иқтисод, сиёsat, маданият асоси ҳисобланади. Унинг муҳимлиги ушбу ҳудудда яшовчи халқ ва давлат ривожи, ватан ва инсон тақдири билан боғлиқ. Ҳудди шундай давлат чегараларидан ташқаридаги табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси учун ҳам аҳамияти катта.

Демак, ердан оқилона фойдаланиш, асраб авайлаш, уни ифлослантирмасдан яроқли ҳолатда келажак авлодларга қолдириш инсониятнинг бурчи ҳисобланади.

Жамиятда ер иқтисодий ресурс - мулк сифатида ишлаб чиқариш майдони, қазилма бойлик манбаи, айрбошлаш, сотиш, гаровга қўйиш, ижарага олиш, вақтинча фойдаланиш, ҳадя қилиш, мерос қолдириш, бойлик тўплаш воситаси сифатида фойдаланилади. Бироқ, ер майдони кенгаймайдиган, кўпаймайдиган ва маълум бир чегара билан чекланган ресурс ҳамдир.

Ер умуммиллий бойлик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳалқининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бу меъёр Конституциямизнинг 68-моддасида мустаҳкамланган.

Охирги даврда ҳам ердан самарали фойдаланиш, уни ҳимоялаш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар белгилаш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлмоқда.

Жумладан, кейинги даврда мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни, ер ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини таъминлашга ҳамда ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишининг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ерга оид ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш зарурияти юзага келмоқда.

2024 йил 15 ноябрдаги ЎРҚ-997-сонли Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Жиноят-процессуал кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ердан фойдаланиш ҳақидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси янги 23²-боб - “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари” билан тўлдирилди.

Термиз туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ж.Ачилов